

Демократия принципларига таянган ҳар қандай давлат тизимига сайловлар асос бўлиб хизмат қилади. Очiq ва демократик сайловлар ўтказиш ҳар қандай демократик жамиятнинг ажралмас белгисидир. Мамлакатимизни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври — давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, мустақил суд тизimini мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТДА САЙЛОВ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

Сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг, айниқса, сайлов жараёнларида хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи воситасига айланиши бугуннинг долзарб вазифасидир.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда сиёсий партияларга ижтимоий-сиёсий фаолият юртиши учун етарли даражада шарт-шароитлар, шу жумладан, ҳуқуқий асослар яратиб берилган.

Ҳап сиёсий партияларнинг жамиятдаги роли ва таъсирчанлигини юксалтириш ҳақида кетар экан, Президентимиз ташаббуси билан киритилган ва Олий Мажлис палаталари томонидан қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун муҳим ўрин тутди.

Ушбу Қонун сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти органларини шакллантиришдаги ролини юксалтирди, шунингдек, сиёсий партияларнинг назорат қилиш функциясини кенгайтди.

Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг партия гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимида тасдиқланган шахсларнинг қоникарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқи берилди. Агар бундай ташаббус етакчи партия гуруҳлари томонидан қўллаб-қувватланса, Ўзбекистон Республикаси Президенти бу ташаббусни халқ депутатлари Кенгаши муҳокамага киритади

ҳамда муҳокама натижаларига мувофиқ ушбу масала юзасидан қарор қабул қилади. Бу сиёсий партиялардан мамлакатда амалга оширилаётган илчил ислохотларнинг самарадорлигига эришишда талабчанликни, ҳокимият вакилларида эса ҳушёрликни талаб этади. Чунки ҳокимлик лавозимида тайинланган шахслар фаолияти давомида хато ва камчиликларга ёки суистеъмомчиликка йўл қўймайди. Бу билан мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдидagi ўз масъулиятини ҳис қиладилар. Қонуннинг муҳим жиҳати ҳам ана шундадир.

Мамлакат ва жамият ҳаётида мазкур қонун, аввало, олиб борилаётган илчил ислохотларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, сиёсий партияларнинг жамият ва халқ олдидagi, ҳар бир партиянинг ўз сайловчилари ҳамда партия электоратлари олдидagi масъулиятини оширади.

Мазкур Конституциявий қонун сиёсий партияларнинг жамиятдаги роли ва таъсирчанлигини юксалтирибгина қолмасдан, балки жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий маданияти юксалишига ҳам хизмат қилади. Чунончи, мамлакатнинг сиёсий ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, аввало, фуқароларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишига кенг имконият, демакдир.

Мамлакатимизда кечаётган сайлов ва демократик жараёнларни дунё халқлари кенг жамоатчилиги муносиб баҳоламоқда.

Ниятимиз ҳолис, мақсадларимиз муштарак, бунёдкорлик ва истиқлол ғояси бизни бирлаштириб, ҳаммиса эзгуликка чорлайди. Шунинг учун ҳам ҳар биримизнинг қалбимизда юрт равнақи, Ватан туйғуси жўш уриб турибди. Президентимиз таъкидлаб айтганларидек, ўтган давр ичида эришган

партияларнинг роли анчагина сезилиб бормоқда.

Энг муҳими, сиёсий партияларнинг сайловларда, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўладиган сайловларда иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратилди.

Сиёсий партияларнинг ана шу сиёсий жараёнларда иштирок этиш ҳуқуқи

Сайлов — 2009

жуда ҳам муҳим, чунки у ўзини ифода этиш ҳуқуқи, демакдир. Бу, ўз навбатида, халқни сайловда фаолроқ қатнашишга ундайди.

Бу йил сайлов йили. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари туман, шаҳар ҳамда вилоят Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Шунинг учун ҳам сиёсий партиялар олдиди ниҳоятда масъулиятли вазифалар турибди. Ана шуларни ҳисобга олиб, партиялар туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари билан биргаликда ҳудудларда партия вакиллари сайлов қонунчилигидан хабардор эгдик. "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳиятини тушунтирдик.

Юқориди таъкидланган Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси биринчи қисмига Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари сонини 120 тадан 150 тага қўпайтиришни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилди. Бунда 135 депутат ҳудудий сайлов округлари бўйича қўп

ларидан бошлаб сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сайловларни анча сезиларли равишда эркинлаштириш ва демократлаштиришга қўмаклашадиган бир қатор ўзгартишлар киритилиб келинмоқда.

Масалан, "сиёсий партиянинг ваколатли вакили" институти сайлов қонунчилигимизда мутлақо янгилик. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунга "сиёсий партиянинг ваколатли вакили" институти киритилди. Мазкур нормада депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиладиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли эканлиги белгиланган. Бу бевосита давлат ва жамият ривожлангани сари сиёсий партияларнинг ҳам юксалиб бораётганлигидан далolat беради. Сиёсий партияларнинг юксалиши эса, албатта, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошишига хизмат қилади.

Кўни кеча Марказий сайлов комиссияси томонидан қандайд 40 минг нафар сайловчининг имзосини тўплаган сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда қатнашишлари га ижозат берилди. Сиёсий партиялар сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиш учун илгари 50 минг нафар

Бир сўз билан айтганда, сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сиёсий партияларга кенг йўл очиб берди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини таъминлашга қаратилган сайлов тизими борган сари демократлашиб, эркинлашиб бормоқда. Бу эса Ўзбекистонда қурилаётган демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сайловларда ҳолисликни янада кўпроқ таъминлаш ва сайловлар очiq бўлишининг, уларни ўтказиш жараёнида сиёсий партиялар ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг қўшимча қафолатларини яратиш мақсадида имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини Марказий сайлов комиссияси томонидан текшириш жараёнида сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Кўринадики, сайлов қонунчилигимиз борган сари эркинлаштирилмоқда.

Сиёсий партияларнинг сайловда фаол иштирок этишлари учун кенг имкониятлардан яна бири сиёсий партияни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олишнинг аввал белгиланган олти ой муддати тўрт ой этиб белгиланганлигидир.

Сиёсий партияларга янада кенгрок имкониятлар бериш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунда илгари "сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан" ташкил қилиниши белгиланган бўлса, эндиликда "сайловчиларнинг йиғилишлари сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда" ўтказилиши мустаҳкамлаб қўйилди. Ўтган сайловлардан шунинг гувоҳи бўлдики, депутатликка номзодлар билан биргаликда сайловчиларнинг йиғилишларини ўтказишда турли муаммоларга дуч келар эдик. Айтайлик, номзодларнинг бир вақтда тўплана олмаглиги, қун давомида бир ёки иккита учрашув ўтказишда вақтдан ютқазиш ва ҳоказолар. Сайлов қонунчилигимиздаги бундай ўзгариш орқали сиёсий партиялар сайловнинг бутун жараёнига янада фаол таъсир кўрсатишлари учун имконият юзага келди, партиялар ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш учун шароит яратилди. Энг муҳими, бу сайловчиларга сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари билан ҳар томонлама ва кенг танишиш учун катта имконият беради.

Акрам ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.